

1 - СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

05.01.2022 йил

*Урганг* ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўрниларда – Компания ) номидан 05.01.2021 йилдаги 27-01-14/33 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Хоразм филиали директори Самандаров Ахмаджон Султанович (кейинги ўрниларда-Оператор) бир томондан ва Хонка туман хокимлиги номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандик түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Хонка туман хокимлиги (кейинги ўрниларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўрниларда биргаликда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича кўйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўрниларда Шартнома) туздилар:

### 1.Шартнома предмети

#### 1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўрниларда – Офера) шартлари билан тўлик танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептими) хисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чишиб, Дастрлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиши учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

### 2.Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукук ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

### 3.Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк қуни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланиша Абонент тўлови **100 ( бир юз )** фоиз микдорида олдиндан тўланади. Дастрлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйиа) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти **бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ККСни хисобга олган холда) **422346** ( ) сўмни ташкил этади.  
Ушбу сумма **422346** ( ) сўм микдоридаги Абонент тўловини хамда **—** ( ) микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақлирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк қуни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширилмагига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишида блокировка килиши учун ариза топшириши керак. Блокировка килиши тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўрининишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ хар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир хисоб-фактуралар тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилиди.

3.9.1.Агар Абонент 10 (үн) иш кунни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътиrozларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегиши тарзда кўрсатилиган деб хисобланади. Абонентнинг эътиrozлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейнинг календарь ойида тақдим этилайдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактураларда) тегиши тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганилиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши холатлари бундан мустасно).

#### 5.Низоларни хал килиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ хамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув орқали хал килинади.

5.2.Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали хал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

#### 6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равиша ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холда, ўзаро хамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган хар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

#### 6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан

30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортиг муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равиша хабардор килинади.

#### 7.Якуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килади.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва **30.11.21** йилга кадар амал килади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажариши давом эттиrsa ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **30.11.21** йилга кадар амал килади.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганилиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (үн) календарь кун** ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равища расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Гомонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<b>ОПЕРАТОР:</b> “Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали	<b>АБОНЕНТ:</b> Хонқа туман ҳокимлиги
Манзил: Урганч ш., Аль-Беруний к., 1 - ўй Банк маълумотлари: х/р: 2021000204074838423 СТИР:203366731 МФО:00401 АТБ “Алокабанк” Тел: 1155 E-mail: _____	Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Хонқа шаҳарчаси, Xalqlar dўstligi (Ленин) кўчаси, ўй. 30 Банк маълумотлари: х/р: 100022860332237011204018001 СТИР:202374374 МФО:00014 Банк номи:Г.ТАШКЕНТ,РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ ИНН:201122919 <i>х/р 134020003004000010</i> Tel: 993991447 E-mail: xonqa@mail.ru
Оператор номидан:  Самандаров Ахмаджон Султанович /имзо/	Абонент номидан:  <i>Х. Курбонов</i> /имзо/ м.ў.

*Сарифа Саевич - К. Рамилов*

05.01.2022 йил  
1-сонли абонент шартномасига  
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
<b>II. Хар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	Абонентская плата за VPN speed 2 Mb/s	140,782.00	Прейскурант	1	140,782.00
Жами (олдиндан тўлов)					140,782.00

Жами олдиндан тўлов микдори 140,782.00 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 140,782.00 сўмни ташкил этади. Ундан 140,782.00 сўм микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 0 сўм бир маротабалик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

**ОПЕРАТОР:**  
“Ўзбектелеком” АҚ  
Хоразм филиали

**АБОНЕНТ:**  
Хонка туман хокимлиги

Оператор номидан:

М.ў.

/имзо/



Самандаров Ахмаджон Султанович



Абонент номидан:

/имзо/